

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ



МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ
УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИ
кафедраси

Машина деталлари

фанидан

маърузалар матни

Наманган - 2014

Ушбу маърузалар матни машинасозликда ишлатиладиган деталларни ҳисоблаш усуллари ва уларни лойиҳалашга оид асосий маълумотлар берилган. Бундан ташқари, кейинги вақтда машинасозликда кенг кўламда фойдаланилаётган янги материаллар ва улардан тайёрланадиган деталларни ҳисоблаш ва лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотлар ҳам келтирилган.

Ушбу маърузалар матни «Машина деталлари» фанидан таълим олаётган касбий таълим ва техик йўналишида бакалавриятлар учун мўлжалланган.

Тузувчи(лар):

доц. З.Абдуқаҳҳоров.

Такризчи:

т.ф.д., проф. Н. Бойбобоев (НамМПИ)

Маърузалар матни кафедра йиғилишида муҳокама этилган ва фойдаланиш учун тафсия этилган. Мажлис баёни №__ (__.__. 2014й.)

Ушбу маърузалар матни НамМТИ илмий - услубий кенгаши томонидан чоп этига тавсия этилган. ____ (____ « ____ » 2014 й) № ____

1-МАЪРУЗА

Кириш. Курс вазифаси. Машинасозлик ва техникани ривожланиши. Машина деталларига куйиладиган асосий талабалар.

Режа.

1. «Машина деталлари» фанини вазифаси.
2. Бошқа фанлар билан алоқаси.
3. Деталларга куйиладиган асосий талаблар.

«Машина деталлари» фани деярли ҳамма машиналарда ишлатиладиган ва умумий вазифани бажарадиган деталь ва узелларни тузилишини, ишлашини, ҳисоблаш ва лойиҳалаш усуллари ургатади. Бу фан назарий механика, машина ва механизмлар назарияси, материал қаршилиги, металлар технологияси чизмачилик каби фанларга асосланади. Шу билан бирга у машинасозлик ихтисосликларни урганувчи махсус фанларнинг асоси ҳисобланади.

Халқимизни яшаш шароитини яхшилаш учун ҳаракат ҳар бир инженер олимни вазифаси замон талабига жавоб берадиган юқори унумли мустаҳкам булган янги машиналарни яратишдан иборатдир. Бу вазифаларни юқори малакали мутахассислар ҳал қила олади. Бунинг учун инженер. буладиган ешларни билими чуқур ва мустаҳкам булиши керак.

Шундай мутахассислар тайерлашда «Машина деталлари» фани ўз ўрнини эгаллайди.

Бирқанча деталлардан тузилган механизмлар мажмуи бўлиб, маълум иш бажариш учун мўлжалланган восита машина деб айтилади: Машина детал ва қисмлардан йиғилади.

Машинанинг бир хил материалдан тайерланган ва айрим булакларга ажралмайдиган қисим детал деб айтилади.

Машинанинг маълум бир вазифасини бажариш учун мўлжалланган ва бир неча деталлардан тузилган қисми узел дейилади: Подшипник, редуктор, вариатор, қабилар қисим дейилади.

Булар ҳамма машиналар учун умумий булган болт гайкалар, валлар ва уқлар, узатмалар, подшипниклар, бирикмалар, муфтлар, пружиналар каби деталлардир.

Электродвигатель	Узатмалар	Ижро этувчи қисм
------------------	-----------	------------------

Машина деталлари ишончли ишлаш талабига жавоб бериши керак, яъни, белгиланган муддат ичида детал синмай бузилмай бенуксон ишлаши керак. Бунинг учун детални маъқул келадиган материалдан тайёрлаш керак.

Деталларга ийсбатқ куйиладиган асосин талаблар.

1. Мустаҳкамлик
2. Бикрлик
3. Ёйилишга чидамлик
4. Иссик бардошлик
5. Титрашга чидамлик

Деталнинг ишлаш лайёқатини қайси белгига қараб аниқлаш лозимлиги шу деталнинг ишлаш шароитига боглик. Масалан: валлар учун бикрлик, болтлар учун мустаҳкамлик сирпаниш подшипник учун асосий белги ёйилишга чидамлик. Деталларга куйиладиган энг асосий талаб мустаҳкамлик. Мустаҳкамлик: Ишлаш шароитида деталнинг ташки қучларга қарши қурсатган холда деформацияланиши меёрида булиб, синмай ва бенуксон ишлаш хусусияти унинг мустаҳкамлиги дейилади. Деталларни мустаҳкамлиги материалар қаршилиги фанда урганилади.

Бикрлик: Ҳар бир детални ташки қучлар таъсирида уз шаклини ва улчамларини узгартиришга қаршилиқ қурсатган холда ишлашини бикрлик дейилади. Масалан: вал мустаҳкам булишига қарамай рухсат этилгандан ортик ёгилиши мумкин.

Ёйилишга чидамлик: Ишлаш вақтида ишқаланувчи деталлар ёйилиш натижасида

улчамлари узгаради ва деталнинг нотекис ишлашига сабаб булади. Деталнинг тез еки секин ейилиши унинг ишлаш шароитига, сиртларни силликлгига, мойланиш даражасига, контакт кучланишининг қийматига, тайёрланган материаларга ва бошка курсатгичларга боглик.

Иссик бардошлик: Хисобланган мухлат ичида белгиланган температура оралигида конструкцияи ишлаш лаекатини иссик бардошлик дейилади.

Бир-бири билан ишкаланувчи деталлар булган машиналарда температуранинг маълум даражадан ортиб кетиш купчилик деталарнинг ишига салбий таъсир курсатади. Бундай деталларда хосил буладиган иссикликнинг меъридан ортиб кетмаслиги керак, яъни - машинада хосил буладиган иссиклик микдори -машинадан ташкари таркалувчи иссиклик микдори.

Титрашга чидамлилиқ: Ишлаб чикариш унумдорлигини ошириш учун машиналардаги ишлаш тезлигини оширилишини ва деталларни о'ирлигини камайтириши хар хил титрашларнинг пайдо булиши учун имконият яратади. Титрашлар машинанинг ишлашига салбий таъсир курсатиб, деталларни толиқиш окибатида ишдан чикишини тезлатади. Бунда резонанс ходисаси пайдо булиши мумкин.

РЕЗОНАНС-детални узида хосил буладиган хусусий тебраниш частотаси ташки куч таъсирида буладиган тебраниш частотаси билан бир хил қолганда руй беради.

Таянч суз ва иборалар.

Юритгич, узатма, детал, узел, мустахкамлик, бикрлик, ейилишга чидамлик, титрашга чидамлик.

Назорат саволлари

1. Машина деталлари фани кайси фанлар билан алокадор?
2. Машинна деталларига кандай талабалар куйилади?
3. Мустахкамлик деганда нимани тушунализ?

Адабиетлар.

1. Тожибоев Р. Жураев А. Машина деталлари. Тошкент. «Укитувчи». 2002 йил.
2. Сулаймонов И. Машина деталлари, «Укитувчи», 1981 йил
3. Иосилевич Г.Б- Детали машин. Москва, «Машиностроение» 1988 йил.
4. Иванов М.Н - Детали машин. Москва, «Высшая школа» 1991 йил.
5. Решетов Д.Н - Детали машин. Москва, «Машиностроение» 1988 йил.

2-Маъруза

Деталларга таъсир қиладиган юкланишлар. Базавий давра сони.
Машинасозликда ишлатиладиган материаллар.

Режа.

1. Юкланишлар тури, графиклари.
2. Машинасозликда ишлатиладиган материаллар: пулат ва чуянлар.
3. Рангли металллар.
4. Пластмассалар.

Юкланишлар тури, графиклари.

Деталнинг мустахкамлик қийматини унга таъсир этувчи кучлар ва ундан ҳосил буладиган кучланишларга боғлиқдир. Улар узгармас ва узгарувчан булади.

Хар хил намуналарни чарчанга синашда базавий давра сони аникланади. Базавий давра сонига қараб узгарувчан циклнинг кучланиши қабул қилинади ва шу кучланиш қиймати таъсирида детал синмайди. Шу кучланиш толиқиш чегараси дейилади. Машина деталларини ҳисоблашда улар учун узгарувчи юкланиш таъсирида толиқиш чегарасини аниклаш методикалар бор. Машина деталлари учун материал танлаш ва термик ишлов қабул қилиш учун деталларни белгиланган муддат ичида ишончли ишлаши экономик талабларига жавоб берадиган ҳолда ва тайёрланадиган шароитга қараб белгиланади. Хар бир машинани 60-70 % таннархи материални қиймати ташкил этади.

Мустахкамлик талаб булган деталларга механик хоссалари юқори, тобланган ва сифати яхшиланган пулат ва юқори мустахкам чуянлар ишлатилади.

Контакт кучланиш ва ейилиш таъсирида ишлайдиган деталларга юқори қаттиқлик даражагача тобланган пулат ишлатилади.

Икки детал бир бирига нисбатан сирпаниб ишласа бунда ейилишига чидамлик талаб бўлиб биттаси қаттиқ материалдан тайерланса иккинчиси антифрикцион (ишқаланиш коэффициенти паст) материалдан тайерлаш керак.

Антифрикцион деганда биронза, баббит каби рангли қотишмаларни антифрикцион пласмассаларни айтилади. Уларда ишқаланиш коэффициенти паст бўлиб, ейилишга чидамли булади, ишлаш шароитида деталлар бир-бирига тез мослашади ва ейилиш кам булади.

Тормозлар, фрикцион узатмалар каби деталларга фрикцион материаллар талаб булади. Фрикцион деганда (металлокерамике, азбест таркибидаги пласмассалар ва х.к.) юқори ишқаланиш коэффициенти бўлиб ейилишга чидамли, иссиқбардош булади.

Ишлашда жуфт детал бир бирига тез мослашади. Юқори температурда ишлайдиган деталлар иссиқ бардош, юқори температурда уз хусусиятини йукотмасдан ишлайдиган материаллардан тайрланиш керак.

Куп- деталларга таъсир қиладиган кучлар, юкланишларни ташки катлами қабул қилади. Куп деталлар ташки катламини ейилиши, бузилиши ҳисобига ишдан чиқади. Шунинг учун деталларни мустахкамлигини, сифатини оширишларини бир йули сиртки катламини қаттиклигини оширилади.

Материалларни танлашда экономикани таъсири катта. Лойихаланаётган янги машиналарда техник талабига кура замонавий мустахкам, бикир материаллар қабул қилиш мумкин, лекин конкурент материалларни танлаш экономик ҳолатига қараб қабул қилинади.

Машинасозликда ишлатиладиган материаллар:

Пулат, чуян, рангли материаллар, пластмасса, резина, егоч.тери, керамика. Пулат деб темир - углерод (2,14 %гача) қотишмасини айтилади. Таркибига кура пулатлар икки турга бўлинади:

1. Углеродли пулатлар
2. Легирланган пулатлар

Углеродли пулатлар сифатга қараб:

- а. углеродли оддий сифатли пулатларга
- б. углеродли конструкцион сифатли пулатларга
- в. асбоб тайерлайдиган пулатлар.

А Углеродли оддий сифатли пулатлар кенг тарқалган бўлиб, машина ва механизм деталларини тайерлашда қўй ишлатилади.

Конструкцион сифатли пулатлар конвертор, мартен ва электр печларда тайерланади. Оддий сифатли углеродли пулатлар тайерланишига қўра А,Б,В, гуруппаларга бўлинади А гуруппадаги пулатлар механик хоссаларига қараб тайерланади, химик таркибига аҳамият берилмайди. Бу пулатга қиздириб ишлов берилмайди (болгаланишида қиздириш, қиздириб штамповка ва бошқа) шунинг учун у металлургик заводда олган механик хоссаларини сақлайди.

Б гуруппадаги пулатлар химик таркибини белгиланган ҳолатда тайерланади. Бу пулатларни олганда уларга ишлов берса бўлди. Ишлов бериш химик таркибига қараб берилади ва шунда механик хоссалари ўзгаради. В гуруппадаги пулатлар механик хоссалари ва химик таркиби бўйича тайерланади. Агар шу пулатдан тайерланган конструкцияларга масалан сваркаланса унда механик хоссалари ва химик таркиби гарантияланади, яъний ўзгармайди. Чунки сваркаланиши ва механик хоссалари сваркаланадиган жойда химик таркибига боғлиқ бўлади, конструкциясини қолган жойи металлургик заводда олинган механик хоссаси қолаверади.

ОДДИЙ СИФАТЛИ ПУЛАТНИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Группа	Пу ла	Маркалари
А	М ех	Ст,ст:1 Ст2 Ст:Ст:4:Ст Стб
Б	Х и	Б Ст:0:Б Ст:Б Ст2 Б Ст:Б Ст4:Б Ст5
В	М ех	ВСт1:ВСт2: ВСт3:ВСт5:

ОДДИЙ СИФАТЛИ ПУЛАТЛАРНИ ХИМИК ТАРКИБИ.

ПУЛАТ	С	Мп	Si
Б ст 0	0,23	-	-
Б ст 1	0,06	0,25-	0,05-0,3
Б ст 2	0,09	0,25-	0,05-0,3
Б ст 3	0,14	0,4-	0,12-0,3
Б ст 4	0,18	0,4-0,7	0,12-0,3
Б ст 5	0,28	0,5-0,8	0,15-0,35
Б ст 6	0,38	0,5-0,8	0,05-0,35

Конструкцион сифати углеродли пулатлар.

Қўй машина ва механизмларни тайерлашда конструкцион пулатлардан фойдаланади. Оддий сифатли пулатлардан конструкцион пулатларни фарқи шуки, уларда зарарли олтингургурт, фосфор ва бошқа қўшимчалар озроқ бўлади. Барча ҳолларда сифатини яхшилайдиган кремний ва марганец (Мп) миқдори қўй бўлади. Бундан ташқари пулатни тайерлашда яхшироқ ва аниқроқ қайнатиб қўйилади.

Конструкцион пулатларни ҳар қандай термик ва химико-термик ишлов берса

булаверади ва катта ораликда механик хоссаларини олса булади. Бу материалларга богалаш, механик ишлов бериш, совук холда штампалаш каби операцияларни бажарса булади.

Конструкциян сифатли пулатларни куйидагиларга булса булади:

1. Паст углеродли пулатлар-ГОСТ 1050-74 маркаси-0,5-10 гача

Бу пулатларга совук холда штампалаш, эгиш, букиш, пресслаш, химико-термик ишлов берса булади. Бу пулатлар уртача статик юкланган детал ва узелларни тайерлашда ишлатилади.

2. Нисбатан паст углеродли 15- 25 маркали пулатлар.

Бу пулатлар совук холда деформацияланиши яхши эмас.

Яхши сваркаланади. Термик ва химико термик ишловдан кейин мустахкамлиги ошади. Динамик юкланиши таъсири остида хам булган деталларга кулланилади.

3. Урта углеродли мустахкамлиги юқори пулатлар. Маркаси 30-50. Хар-хил термик ишловлар пулатни сифатини ва эксплуатацион хоссаларини каттик оширади. Бу пулатдан хар хил юкланадиган деталлар кенг тайерланади.

4. Конструкциян юқори углеродли олий сифатли пулатлар. Бу пулатдан юқори статик, динамик ва вибрация юкланиш таъсирида ишлайдиган деталлар тайерланади. Пулат сифатини ошириш учун хар хил термик ишлов берилади. Пулатни механик хоссаларини ошириш учун ёки махсус технологик сифатли қилиш учун уни таркибига никель, хром, марганец, кремний, вольфрам, молибден, ванадий, титан, кобальт, мис, алюминий каби металллар кушилади ва легирланган пулат дейилади.

Ишлашга кура бу пулатлар

А) Конструкциян

Б) Асбобсоз пулатларга булинади.

Хоссасига кура пулатлар, иссиқбардош зангламас, ейилишга чидамли, магнитли ва бошқа махсус хоссали пулатларга булинади. Легирланган пулатларни кимматлиги узок муддат ишлаши билан узини оклайди.

1. Легирланган пулатлар таркибига легирловчи элементига қараб хромли, никелли, титанли ва бошқа пулатлара булинади .

2. Легирланган пулатдаги легирловчи элементнинг микдорига қараб 2-5% кам легирланган, 5-10% урта легирланган, 10% купрок легирланган пулат дейилади.

Чуян деб темир қотишмаси таркибида 2,14% дан ортик углерод микдори булган бирикмани айтилади ва уч турга булинади. Кул ранг чуян-асосий ишлатадиган материал. Нархи арзон булиб механик хоссалари коникарли, суюклантириб куйганда яхши хусусияти бор.

Ок чуянлар кул ранг чуянларга нисбатан куйиш хоссалари емонрок, жуда каттик, ишқаланишга чидамли. Шунинг учун жуда кам ишлатилади. Болгаланувчи чуян-ок чуяндан куйдириб олинади. Деталлар куйиш усули билан тайерланади. Муртлиги пастрок, енгил зарбаларни қабул килади. Шунинг учун богланувчи чуян дейилади. Куйманакорлик ва мустахкамлиги яхши.

3. Рангли металллар. Мис қотишмалари рангли металлларга киради ва бронза ва латунь ларга булинади. Бронза деб-мис билан кургошин, алюминий, кремний бериллий ва бошқа метал қотишмасини айтилади.

Бронзалар юқори антифрнкцион хоссага эга, коррозияга яхши каршилиқ курсатади, куйиш ва босим остида ишлов берса булади.

Хамма турдаги бронзалар кескичларда яхши кесилади. Бронзалар ишқаланиши узелларда (червякли узатмаларда, винтли узатмаларда, сирпаниш подшипникларда), сув пар ва мой мухитда кенг ишлатилади. Бронзалар Бр билан белгиланади ва таркибидаги элемент микдори билан курсатилади.

Кушиладиган элементлар: А-алюминий, Б-берелий, Ж-темир, К-кремний, Н- никель,

М- марганец, О- олова, С- кургошин, Ц-цинк, Ф- фосфор Масалан: Бр 09Ф1---9% -олова: 1%-фосфор , 90%- мис.

Латунь деб-мис билан цинк қотишмасига айтилади. Латунь-коррозияга яхши каршилиқ курсатади. Электр токини яхши утказади, нисбатан мустахкам ва яхши технологик хоссаларига эга.

Латунлар яхши куйилади, совук холатида босим остида яхши киркилади, букилади, , чиқарилади, тортилади. Кескич билан Латунлар яхши кесилади. Улар трубалар, симлар, арматуралар ва бошка деталларда кенг ишлатилади. Латун Л кушимча элментни курсатилади. Масалан: Л 15 Ц 3 Н -15 % ЦИНК, 3% никель машина деталларини тайерлашда кенг ишлатилади.

Пласмассалар. Пласмассалар деб-юқори молекулали органик бирикмага айтилади. Пласмассалар охириги вақтда тез ривожланиб бормокда. Буни асосий сабаби (юқори технологик хоссаларига эга физика-механика курсаткичлари кенг, хом-ашени етарлиги деталларни арзон ва унумдорлиги юқори усулда, мураккаб деталларни тайерлашдир).

Деталларни тайерлашда пластмассаларни совук холатда преслаб, иссиқ холатда куйиб, устки катламидан кескичда кесиб тайерласа булади.

Пластмассалар электр ва ток утказмайдилар, деформациялик қобилятига эга, ташки қуриниши чиройли. Баъзи пластмассалар юқори антифрикцион ва фрикцион хоссаларига эга.

Айрим камчиликлари - иссиқбардошлиги кичик, тез эскириши совуклигича оқиши.

Таянч сўз ва иборалар.

Юқланиш, узгарувчан юқланиш, баъзавий давра сони, пулат, чуян, рангли металллар, бронза, латун.

Назорат саволлари.

1. Узгарувчан юқланиш таъсири қандай қуринишда булади?
2. Пулат деб нимани айтилади?
3. Пулат қанака турларга бўлинади?
4. Кул ранг чуянни марқаланиши.
5. Бронза деб нимани айтилади ?

Адабиетлар

1. Тожибоев Р.Н. Жураев А.Н. Машина деталлари. Тошкент. «Уқитувч 2002 йил.
2. Сулаймонов И. Машина деталлари, «Уқитувчи», 1981 йил
3. Иосилевич Г.Б- Детали машин. Москва, «Машиностроение» 1988 йил.
4. Иванов М.Н - Детали машин. Москва, «Высшая школа» 1991 йил.



3-МАЪРУЗА:

Параллел ва кетма - кет схемали узатмалар. Узатиш сони ҳақида тушунча. Фойдали иш коэффициентлари ҳақида тушунча. Механизм юритгичини кинематик ҳисоблаш.

РЕЖА:

1. Юритгичларни тузилиши ва турлари.
2. Узатиш сони ҳақида маълумотлар.
3. Фойдали иш коэффициентлари ҳақида тушунча.
4. Юритгични кинематик ҳисоби.

Юритгичларни тузилиши ва турлари. Механизмнинг қонструкцияси узатмалар сонининг қатталигига, машинанинг ишлаш тартибига, атрофдаги муҳитга қараб аниқланади.



Узатиш сони хакида маълумотлар.

Узатмани узатиш сони.

$$U = \frac{n_1}{n_2} \cdot \frac{z_2}{z_1} \cdot \frac{d_2}{d_1}$$

d_1, d_2 - етакловчи ва етакланувчи гилдиракларни бошлангич айлана диаметри.

$$U_{\text{ум}} = \frac{n_{\text{дв}}}{n_{\text{иш}}} \cdot U_1 \cdot U_2 \cdot U_3 \dots U_n - \text{механизмни умумий узатиш сони}$$

$n_{\text{дв}}$ - двигател валини хакикий айланиш сони

$n_{\text{иш}}$ - ишчи вални айланиш сони

Баъзи бир турдаги узатмаларни узатишлар сони куйидаги оптимал чегараларда тавсия килинади-

1. Очик цилиндрсимон тишли узатималар учун
 $U = 3 - 6$
2. конусимон очик тишли узатмалар учун
 $U = 2 - 4$
3. тасмали узатмалар учун
 $U = 2 - 4$
4. занжирли узатмалар учун
 $U = 3 - 6$
5. червякли узатмалар учун
 $U = 8 - 40$

Узатмани фойдали иш коэффиценти. Двигателнинг кувватини ҳисоблаш учун узатма звеноларидаги зарарли каршилиқни енгилга исроф буладиган кувватни ҳисобга олиш керак. Бу кувват подшипникларидаги ишқаланиш ва ва гилдиракларни тишлари орасидаги ишқаланиш натижасида ҳосил булган каршилиқни, тасмали узатмаларда тасманинг бикрлиги натижасида ҳосил булган каршилиқни енгилга исроф булади.

Одатда фойдали иш коэффиценти вал таянчлари бўлган подшибниклардаги ишқаланишни ўз ичига олган битта қиймат билан ифодаланади.

Агар механизм бир нечта узатмалардан иборат булса, механизмни умумий фойдали иш коэффиценти қуйдагича:

$$\eta_{\text{умк}} \eta_1 * \eta_2 * \eta_3 \dots \eta_n$$

$\eta_1, \eta_2, \eta_3, \eta_n$ - алоҳида узатмаларнинг ФИК.

Епик цилиндрсимон узатма учун $\eta = 0,97 - 0,98$

Очик цилиндрсимон узатма учун $\eta = 0,95 - 0,96$

Червякли редукторлар учун $\eta = 0,7 - 0,85$

Тасмали узатмалар учун $\eta = 0,95 - 0,98$

Занжирли узатмалар учун $\eta = 0,9 - 0,95$

Двигател кувватини аниқлаш.

$$P_{\text{двк}} = \frac{F * V}{102 \eta_{\text{ум}}} ; \quad P_{\text{иш}} = \frac{F * V}{102} ;$$

F - ишлаб чиқариш процессидаги фойдали каршилиқ

V - ишчи валнинг тезлиги .

$\eta_{\text{ум}}$ - механизмни умумий ФИК.

Механизмлар юритгичини кинематик ҳисоблаш.

Схема 1

Кувватни кетма - кет узатиш.

$$\begin{aligned} 1. \text{Ф.И.К аниқлаш} \quad & \eta_{\text{умк}} \eta_1 * \eta_2 * \eta_3 \\ \eta_{1к} \quad & \eta_2 = \quad \eta_3 = \end{aligned}$$

2. Двигатель кувватини аниқлаш

$$P_{\text{иш}} \quad \eta_{\text{ум}} - \text{юритгични умумий Ф.И.К}$$

$$P_{\text{двк}} = \frac{P_{\text{иш}}}{\eta_{\text{ум}}}$$

$P_{\text{иш}}$ - ишчи вал куввати кВт

3. Двигательни танлаш талабга кура

$$P_{\text{ном}} \geq P_{\text{дв}}$$

4. Умумий узатиш сонини аниқлаш

$$U_{\text{умк}} = \frac{n_{\text{дв}}}{n_{\text{иш}}}$$

5. Умумий узатиш сонини тахсимлаш

$$U_{\text{ум}} = U_1 * U_2 * U_3$$

U_1, U_3 - қабул киламиз

$$U_{2\kappa} = \frac{U_{\text{ум}}}{U_1 * U_3}$$

6. ҳар бир вал учун Р-кувват. п-айланишлар сони, Т-буровчи моментни аниқлаймиз.

$$1 \text{ вал } P_1 = \frac{P_{\text{дв}}}{\eta_1}, \text{ кВт}; \quad n_1 = n_{\text{дв}}; \quad T_1 = \frac{9550}{n_1} \text{ ---};$$

$$2 \text{ вал } P_2 = P_1 * \eta_1; \quad n_2 = \frac{n_1}{U_1}; \quad T_2 = T_1 * U_1 * \eta_1;$$

$$3 \text{ вал } P_3 = P_2 * \eta_2; \quad n_3 = \frac{n_2}{U_2}; \quad T_3 = T_2 * U_2 * \eta_2$$

$$\text{вал } P_{4\kappa} = \frac{P_3}{\eta_3}; \quad n_{4\kappa} = \frac{n_3}{U_3}; \quad T_4 = T_3 * U_3 * \eta_3$$

Схема 2

$$P_4; P_5 - \text{берилган}; \quad U_{\text{умк}} = \frac{n_{\text{дв}}}{n_{\text{иш}}}; \quad P_{3\kappa} = \frac{P_4}{\eta_3} + \frac{P_5}{\eta_4}; \quad P_{2\kappa} = \frac{P_3}{\eta_2}; \quad P_{1\kappa} = \frac{P_2}{\eta_1};$$

Схема 3

$$P_{3\kappa} = \frac{P_{\text{иш}}}{\eta_3}; \quad P_{2\kappa} = \frac{P_3}{\eta_2} + P_{\text{иш } 2}; \quad P_{1\kappa} = \frac{P_2}{\eta_1};$$

Таянч суз ва иборалар.

Юритгич, узатиш сони, очик цилиндрсимон узатма, электродвигател, фойдали иш коэффиценти, умумий узатиш сонини тахсимлаш.

Назорат саволлари.

1. Кинематик схема-бу нима?
2. Узатиш сони нимани курсатади?
3. Энергия нимани ҳисобига йуколади?

Адабиетлар.

1. Тожибоев Р.Н. Жураев А.Н. Машина деталлари. Тошкент. «Укитувчи». 2002 йил.
2. Сулаймонов И- Машина деталлари, «Укитувчи», 1981 йил
3. Иванов М.Н - детали машин. Москва, «Въсшая школа» 1991 йил

4-МАЪРУЗА.

Узатмалар, турлари. Механик узатмалар, турлари. Тишли узатмалар, турлари. Цилиндрсимон тугри тишли узатмалар.

Режа:

1. - Узатмалар турлари, вазифалари.
2. Механик узатмалар.
3. Тишли узатмалар.
4. Цилиндрсимон тугри тишли узатмалар.

Узтмалар турлари , вазифалари

Маълум масофага энергияни узатиш учун мулжалланган восита узатма дейилади. Энергияни узатиш усулларига кура узатмалар куйидаги турларга булинади:

- 1.Механик узатма.
- 2.Электрик узатма.
- 3.Пневматик узатма.
- 4.Гидравлик узатма.

Машина деталлари курсида механик узатмаларни айланма ҳаракати ўрганилади. Бошқа узатмаиар махсус фанлар ёрдамида ўрганилади.

+аракатни двигателдан ишчи қисмларга узатишда механик узатмалар ишлатилади.

Узатмаларни ишлатилиши куйидаги сабабларга боғлиқдир:

а. Ишчи қисмларни айлана тезлиги электродвигателни тезлиги билан тўғри келмайди, кп холларда юқоридир. Кичик тезликдаги электродвигателларни тайёрлаш қиммат туради ва двигател ўлчамлари катталашиб кетади.

б. Кўп технологик машиналарда айлана тезлигини узгартириш талаб бўлади, вақти-вақти билан катта моментлар билан ишлашга тўғри келади, лекин двигателнинг тезлигини талаб бўйича сошлаш доим мумкин эмас ва қиммат туради.

в. Двигателлар кўпинча равон айланадиган айланма ҳаракат учун тайёрланади, машиналарда эса айланма ҳаракатни илгариланма ҳаракатга ва керакли тартибда узгартирилиши талаб қилинади.

г. Машиналарни габаритларини талабига кўра двигателлар ишчи валлар билан бирлаштириш доим мумкин бўлавермайди, техника хавфсизлиги талабларига кўра двигателларни ишчи валларга бирлаштириш жуда кийин. Баъзи холларда двигател бирданига бир нечта механизмни ҳаракатга келтиради.

Талабга кўра узатмалар доимий узатишлар сони ёки узгарувчан узатишлар сони билан тайёрланади. Узатишлар сонини узгартириш погонали еки аста секин узгартириш мосламалар ёрдамида бажарилади. Погонали мосламалар нисбатан арзон туради, содда ва ишончли механизм ёрдамида бажарилади.


Технологик процессни оптимал ҳолатини танлашда узатиш сонини, аста-секин узгартириш механизми ишлатилади ва унумдорликни оширишга таъсир кўрсатади. Автоматик узгартириш механизмлари автомобилларда ёкилғини сарфланигини икки маротабагача камайтиради, автоматлаштиришда тухтамасдан машинани бошқаришда ишлаш шароитини яхшилайдди.

Узатмаларнинг асосий кўрсаткичи: узатишлар сони, узатадиган кувват, буровчи момент, тез юрарлик, тезликни кескин узгартириш имкони борлиги, фойдали иш коэффиценти.

Механнк узатмалар. Машина деталлари курсида механик узатмаларнинг айлана ҳаракати ўрганилади. Бошқа узатмалар махсус фанлар ёрдамида машинани ҳисоблаш ва конструкциялашда ўрганилади.

Ҳаракатни двигателдан ишчи қисмларда узатишда айланма ҳаракат узатмалари хизмат қилади ва куйдагиларга бўлинади:


1. Тишли узатмалар




2. Тасмали узатмалар



3. Занжирли узатмалар



4. Фрикцион узатмалар




Тишли узатмалар , классификацияси. Харакатни бир валдан иккинчи валга тишли гилдирак воситасида узатиш механизми-тишли узатма дейилади. Тишли илашишнинг назариясини 1760 йил ЭЙЛЕР тавсия этган. Тишли узатмалар куйидагича классификацияланади.

1. Валларнинг укларини жойланишига қараб. а) Валларнинг ўклари узаро параллел жойлашган.

гилдиракли узатмалар.


- цилиндр симон



б) Валларнинг ўқлари узаро кесишув жойлашган.
гилдиракли узатмалар.
конуслик бурчаклари.

Конуссимон
б, б-гилдиракларнинг

В) Валларнинг ўқлари айқаш жойлашган



1. Червякли узатма.
2. Винтли узатма.

II. Тишларнинг гилдирак сиртида жойлашувига қараб.

- а) Тугри тишли узатмалар.
- б) Кия тишли узатмалар.
- в) Доиравий тишли узатмалар.

Тишли узатмаларнинг афзалликлари.

Тишли узатмалар бошқа узатмаларга қараганда машиналарда энг куп ишлатиладиган воситалардир.

1. Секундига 100 метргача тезлик билан (бир неча минг кВт) қувват узата олади.
2. Сиртки улчамлари нисбатан кичик бўлади.
3. Фойдали иш коэффициентлари юқори. $\{\eta=0,96 - 0,97\}$ яъни энергияни кам йуқотади.
4. Ишлаши ишончли ва чидамлиги катта булади.
5. Узатиш сони доимий.

$$U = \frac{n_1}{n_2} = \frac{\omega_1}{\omega_2} = \frac{z_2}{z_1} = \text{const};$$


Камчиликлар.

1. Тайёрланиши мураккаб ва нисбатан қиммат
2. Катта тезлик билан ишлаётганда шовкин чиқади.



Цилиндр симон тўғри тишли узатмалар.

Булар уч турга булинади.

1. Ташкий томондан илашиш.



2. Ички томондан илашиш.



3. Рейкали узатма

Таянч суз ва иборалар.

Узатмалар, механик узатмалар, тишли узатмалар, айланма харакат, ишлаши ишончли, катта тезлик, тайёрлаш мураккаб.

Назорат саволлари.

1. Узатмалар нима учун ишлатилади?
2. Механик узатмалар қандай турга булинади?
3. Тишли узатмапар қандай афзалликларга эга?
4. Цилиндрсимон узатмалар қандай турларга булинади?

Адабиетлар.

1. Тожибоев Р.Н. Жураев А.Н. Машина деталлари. Тошкент. «Укитувчи». 2002 йил.
2. Сулаймонов И. Машина деталлари, «Укитувчи», 1981 йил
3. Иванов М.Н - Детали машин. Москва, «Вўсшая школа» 1991 йил.
4. Решетов Д.Н - Детали машин. Москва, «Машиностроение» 1988 йил.


5-МАЪРУЗА:

Цилиндрсимон тугри тишли гилдиракли геометрик улчамларини аниклаш. Модул тушунчасини киритиш. Цилиндрсимон узатмани геометрик улчамларини аниклаш.

Режа:

1. Цилиндр симон гилдиракни геометрик улчамлари.
2. Цилиндр симон узатмани геометрик улчамларини аниклаш.

Цилиндрсимон гилдиракни геометрик улчамлари.



d_1 - булиш айлана диаметри

d_a - тишларни учидан утган айлана диаметри

d_f - тишларни тубидан утган айлана диаметри

h_a - тиш каллагининг баландлиги

P - тишлар кадами

h_f - тиш асосининг баландлиги

b - тиш узунлиги

z - тишлар сони. $z=20 : 50 : 100$

Агар тишлар сони $z \rightarrow \infty$ тенг булса, унда тишли гилдирак тишли рейкага айланади.

P -кадам, урта чизикда иккита ён жойлашган тишларнинг бир хил нукталарини орасидаги масофа.

С-радиал тиркиш

Урта чизик тугри қисмини тенг уртасидан булади.

Булиш айлананинг узунлиги $\pi \cdot d_k P \cdot z$;

$P \cdot z$

d_k ----- - булиш айлана диаметри,
 π

$\pi \cdot 3,14 \dots$ бутун сон эмас (тахмин сон)

Тишли гилдиракнинг асосий улчамларини аниклаш ва амалда уларни улчаш кулай булиши учун илаиш модული деган асосий параметр киритилади:

P

m_k ----- ; $d_k m \cdot z$
 π

Модуль тишли узатмаштрни асосий курсатгичи булиб, Ст СЭВ 310-76 буйича стандартлаштирилган

1; 1,5; 2; 2,5; 3; 3,5; 4; 5; 6; 8; 10; 12; 16; 20; 25; 32; 40; 50; 60; 80

1,25; 1,375; 1,75; 2,25; 2,75; 3,5; 4,5; 5,5; 7; 9; 11; 14; 18; 22; 28; 36; 45; 55; 70;

90;

Гилдиракнинг асосий улчамлари модуль оркали ифодаланади h_a - тиш каллагининг баландлиги
 $h_a = h_a^* \cdot m$; h_a^* - тиш каллагининг баландлиги коэффиценти; нормал тишли гилдиракларда $h_a^* = 1$


$h_a^* m$

h_f - тиш асосининг баландлиги; $h_f = h_a + C$; $C_k C^* \cdot m$;

Нормал тишли гилдиракларда $C^*=0,25$; $C=0,25*m$
 $h_f \approx h_a + C \approx m + 0,25m \approx 1,25m$
 $h_a^*=1$; гилдирак тишини умумий баландлиги
 $h = h_a + h_f \approx m + 1,25m = 2,25m$
 $d_a = d + 2h_a = m*z + 2m \approx m(z+2)$
 $d_f = d - 2h_f \approx mz - 2,5m \approx m(z-2,5)$

Цилиндрсимон узатмани геометрик улчамлари

1. Етакловчи гилдирак.



2. Етакланувчи гилдирак

Узатмани улчамлари гилдиракни геометрик улчамидан келиб чиқади. Етакловчи гилдирак учун индекс 1 етакланувчи гилдирак учун индекс 2 куйилади. Факат битта m -модуль қийматига индекс куйилмайди. Етакловчи ва етакланувчи гилдираклар битта модулда киркилади, яъни битта улчамда, сунг узатма ишлайди.

Агар етакловчи гилдирак битта етакланувчи гилдирак бошка модулда киркилса, узатма ишламайди.

$$d_1 = m * z_1 ;$$

$$d_2 = m * z_2 ;$$

$$d_{a1} = d_1 + 2h_a = mz_1 + 2m = m(z_1 + 2)$$

$$d_{a2} = d_2 + 2h_a = mz_2 + 2m = m(z_2 + 2)$$

$$d_{f1} = d_1 - 2h_f \approx mz_1 - 2,5m = m(z_1 - 2,5)$$

$$d_{f2} = d_2 - 2h_f \approx mz_2 - 2,5m = m(z_2 - 2,5)$$

$d\omega_1$; $d\omega_2$ - етакловчи ва етакланувчи гилдиракларни бошлангич айлана диаметри. Гилдираклар айланганда бошлангич айланалар бир бирини устида сирпанмай думалаб ҳаракатланади. Бошлангич айланалар факат илашишда булган гилдиракларда булади.

$$d_1 = d\omega_1$$

$$d_2 = d\omega_2$$

Таянч суз ва иборалар.

Булиш диаметри, тишлар орасидаги кадам, модуль, тиш каллаги баландлиги, тиш асоси баландлиги, диаметрлар.

Назорат саволлари:

1. Булиш айлана диаметри қандай топилади?
2. Тиш асоси баландлиги нимага тенг?
3. Модуль қанака қиймат?
4. Узатмани улчамларини аниқлашда нечта модуль ишлатилади?

Адабиетлар.

1. Тожибоев Р.Н. Жураев А.Н. Машина деталлари. Тошкент. «Укитувчи». 2002 йил.
2. Сулаймонов И. Машина деталлари, «Укитувчи», 1981 йил.
3. Решетов Д.Н. Детали машин. Москва. «Машиностроение» 1988 йил.

6-МАЪРУЗА

Цилиндирсимок гилдирак тишларини киркиш усуллари. Кучириш усули, Обкатка усули. Инструментал рейка билан киркиладиган гилдирак турлари.

Режа:

1. Гилдирак тишларини киркишда кучириш усуллари.
2. Обкатка усулида гилдирак тишларини киркиш.
3. Инструментал рейка билан киркиладиган гилдирак турлар.
4. Узатмаларни турлари.


Эвольвента профили гилдирак тишларини киркишда иккита усул кулланилади.

1. Кучириш усули .

2.

Обкатка усули.


1. Кучириш усулида икки тиш уртасидаги тубини кесувчи асбобни геометрик куриниши кайтаришдан фойдаланилади.



Бу усулнинг унумдорлиги кичик булиб, аниклиги паст даражани таъминлайди, шунинг учун бу усулни деталларни якка тартибда тайерланганда кулланилади. Кесувчи асбоб : дискли модулли фреза. Хар бир дискли фрезани ен томонида м4 ёки м8 ... деган ракам булиб шу улчамда (модульда) тишни кирка олади. Горизантал фреза станогини ёрдамида кучириш усули бажарилади.

2. Обкатка усули серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда кулланилади.

Бу усул унумдорлик ва аникликни юкори даражада таъминлайди.



Инструментал рейка загатовкага нисбатан рандалайдиган ҳаракат қилса (чизма текслигига тик) ва шу билан бир вақтда илгариланма ҳаракатда бўлса, эвольвента шаклли тиш қирқилади.


Инструментал рейкани ҳаракати :

- а. илгариланма
- б. рандалайдиган (загатовка уқига параллел)
- в. загатовка уқига яқинлашадиган

Заготовка уз уки атрофида равон айланади .

Кесувчи асбоб инструментал рейка червякли фраза, долбяк.

Жихоз: Махсус тиш киркувчи фрезали станок



Инструментал рейка билан киркиладиган гилдирак турлари.

Тиш киркилаётганда инструментал рейка гилдиракни булиш айланасига нисбатан хар хил холатда жойлашиши мумкин. Бунда гилдирак тишлари барча холларда эвольвента шаклида қолиб, махсус геометрияли булади.

Рейкани силжишга қараб қуйидаги турли гилдираклар ҳосил булади.


1. Нолли гилдирак (нормал гилдирак)

Бу ҳолатда рейканинг урта чизиги гилдиракни булиш айланасига уринмадир Силжиш



коэффициенти $X=0$.

2. Мусбат гилдирак




$$x'_K x^*m \quad x > 0$$

Рейканинг урта чизиги гилдиракни булиш айланасидаги $x'=x$ -т масофага узоклаштирилган , яъни урта чизик билан булиш айлана орасидаги масофа $x.m$ (мм) га тенг булса, мусбат гилдирак ҳосил булади .

3. Манфий гилдирак.

$$x'_K - x^*m$$



Рейканинг урта чизиги гилдирак марказига $x'=x^*m$ масофага яқинлаштирилган, яъни урта чизик булиш айланасини кесиб утади ва манфий гилдирак ҳосил булади.

Хар хил силжитишлар натижасида инструментал рейка билан киркилган гилдирак тишларнинг шакли узгаради.



Мусбат гилдиракларга хос хусусиятлар

1. Тиш каллагининг баландлиги катта
2. Тиш асосининг баландлиги кичик
3. Заготовканинг диаметри каттарок

Манфий гилдиракларга хос хусусиятлар

1. Тиш каллагининг баландлиги кичик
2. Тиш асосининг баландлиги катта
3. Заготовканинг диаметри кичикрок булади

Узатмаларни турлари.

Нолли, мусбат еки манфий килиб тайерланган гилдираклар бир бири билан илашиб учта асосий турга булинади.

1. Ноллик узатма (нормал)

Бу ҳолатда етакловчи ва етакланувчи гилдираклар нормал тайерланган булиб, силжиш коэффициенти $x_1=0$; $x_2=0$ Силжиш коэффициенти жами: $X_{\Sigma}=X_1+X_2=0$

2. Тенг сурилган узатма бунда етакчи гилдирак манфий килиб тайерланади силжиш коэффициенти $X_1 \neq 0$

Етакланувчи гилдирак мусбат килиб тайерланади, силжиш коэффициенти $X_2 \neq 0$ лекин $|X_1|=|X_2|$; $X_{\Sigma}X_1+X_2=0$

- яъни умумий силжиш коэффициенти нольга тенг булади.

3. Тенг сурилмаган узатма бунда, етакловчи ва етакланувчи гилдиракларнинг силжиш коэффициентлари маълум микдорга эга булади: $X_1 \neq 0$; $X_2 \neq 0$

Умумий силжиш коэффициенти $X_{\Sigma}X_1+X_2>0$ еки $X_{\Sigma}X_1+X_2<0$

Таянч суз ва нборалар.

Заготовка, модулли фреза, червякли фреза, айланма ҳаракат, илгариланма ҳаракат, инструментал рейка, гилдирак.

Назорат саволлари.

1. Кучириш усули камчиликлари
2. Обкатка усули афзалликлари
3. Унумдорлик қайси усулда юқори
4. Мусбат гилдирак қандай ҳосил булади

Адабиетлар.

1. Тожибоев Р.Н. Жураев А.Н. Машина деталлари. Тошкент. «Укитувчи». 2002 йил.
2. Сулаймонов И. Машина деталлари, «Укитувчи», 1981 йил.
3. Решетов Д.Н. Детали машин. Москва. «Машиностроение» 1988 йил.
4. Иосилевич Г.Б. Детали машин. Москва. «Машиностроение» 1988 йил.

7- МАЪРУЗА.


Гилдирак тишларини киркишда тишларни тубида киркилиши.
Цилиндрсимон тугри тишли узатмаларда таъсир килувчи кучлар. Тишларни емирилиши, турлари.

Режа:

- 1 Гилдирак тишларини тубида киркилишииши.
2. Цилиндрсимон тугри тишли узатмада таъсир килувчи кучлар.
- 3- Тишли узатма тишларини емирилиши.

Гилдирак тишларини тубида киркилишииши..

Гилдирак тишларини киркишда коррекциялаш уни сифатини оширишдир. Коррекцияланган гилдирак тишлар сонини камайтириш имконини беради, тишларни мустахкамлиги ошади ва тишлар тубида киркилишини йукотади . Асосан коррекция тугри тишли узатмалар учун кулланилади. Гилдирак тишларини киркишда коррекциялаш учун инструментал рейкани силжитиш керак.



Цилиндрик тишли эльвовента профили гилдиракларни рейка оркали кесишда тишлари маълум сонга тенг, булса ($z \leq 16$) тишлар тубида киркилиш пайдо булади.

Киркилишни йукотиш учун силжиш масофасини хисоблаб рейкани силжитиш керак, шунда киркилиш йуколади.

Масалан:


X-силжиш коэффициенти

X'-силжиш масофа

$$z_k 12 ; \quad x_k = \frac{z_{\min} - z}{z_{\min}} ; \quad X' = x \cdot m$$

$$z_{\min} = 17$$

Цилиндрсимон
илашишидаги



тугри тишли узатмалар
кучлар

(кучнинг таъсири етакланувчи гилдирак учун курсатилган)

NN- илашиш чизиги.

$\alpha = 20^\circ$ илашиш бурчаги .

F_n = илашиш чизиги буйлаб йуналган нормал куч .

Илашиш нуктасида нормал кучни ташкил этувчиларга ажратамиз . Булар айланма куч F_t ва радиал куч F_r . Вектор шаклида $F_{nk} = F_t + F_r$

Буровчи моментини микдори - кучни елкага купайтмаси

$$T_2 \propto F_t \frac{d_2}{2} ; \quad F_{tk} = \frac{2 \cdot T_2}{d_2} ; \quad \cos \alpha \propto \frac{F_t}{F_n} ; \quad F_{nk} = \frac{F_t}{\cos \alpha} ;$$

$$\tan \alpha \propto \frac{F_r}{F_t} ; \quad F_{rk} = F_t \cdot \tan \alpha ;$$

Ньютонни 3 конунига асосланган холда кучларни узатма гилдиракларига таъсир қилишини курамиз.

Кучлар бир бирига тенг ва карама карши йуналган . Айлана кучини хараат йуналиши етакланувчи гилдиракка илашиш нуктасидан уни айланиши томон йуналган булади, етакловчи гилдиракга эса уни айланиш йуналишига карама-карши йуналган булади.


Радиал куч йуналиши илашиш нуктасидан етакловчи гилдирак учун гилдирак марказига етакланувчи гилдирак учун етакланувчи гилдиракни марказига йуналган булади.

Тишли узатмаларнинг тишларини емирилиши.

Илашишда узатма тишларига кучлар таъсир қилади . Бу кучлар таъсирида хар хил кучланишлар хосил булади . Булар :

1. Тиш сиртида хосил буладиган контакт кучланиш .
2. Тишнинг тубида пайдо булган эгувчи кучланиш.

Хар бир тиш учун G_H ва G_F узгармас муайян қийматга эга булмай вақт оралигида узгориб туради ва узлукли цикл билан таъсир этади.



Гилдиракни бир марта айланишида (t_1 вақт ичида) G_F - нинг таъсир этиш вақти битта тишнинг ишлашида булган вақтига t_2 га тенг булади . G_H - таъсири эса бундан хам кам вақт давом этади .

Кучланишларнинг узгарувчи цикл билан таъсир қилиши тишларнинг толиқишдан емирилишига олиб келади.

G_F кучланиш тишларнинг толиқишдан синушга .

G_H кучланиш куч сиртларининг уваланишга сабаб булади .

Тиш сиртининг емирилиши учта турга булинади .


1. Тишларнинг синиши .

Тишларнинг синишига иккита сабаб бўлиши мумкин .

а) ута юкланиш булса, бунда тишда ҳосил булган кучланиш материал учун рухсат этилган мустаҳкамлик чегарасидан ортиб кетади.

б) нотугри ҳисоблаш.

- амалда тишнинг бурчаги синади



Тишлар сиртининг уваланиб кетиши. Тишларнинг бу тур емирилиши епик узатмаларда учрайди. Узатма узок вақт ишлагандан кейин тиш сиртининг айрим нукталарида билинар-билинемас чуқурчалар пайдо бўлади. Ишлаш давом этганда улар катталаша бориб, тиш сиртидан кичик булакчаларнинг ажралишига олиб келади . Оқибатда тиш сиртида ҳар хил улчамли чуқурчалар пайдо бўла бошлайди.

Иш давомида улар сони ошиши туфайли тишнинг шакли бузилади, уваланиш тезлашади. Охирида бундай гилдиракни алмаштирилмаса , тишлар синиши мумкин.

Тиш сиртининг ейил бошка заррачалар тўғрисида Бунинг натижасида таъсири ошишига, ҳақондаланг кесими ки алмаштириш керак.



нинг ейилиши.

йланмаган очик узатмаларда учрайди, чанг ва қулам бўлади. Булар тишни ейилишига олиб келади. Динамик кучларнинг таъсирига олиб келади. Ейилиб кетган тишнинг қаттиқлиги пасайиши. Бу ҳолларда гилдиракни

Таянч суз ва иборалар.

Тишларни тубида қирқилиши, нормал куч, айлана куч, тишларни синиши, тишларни емирилиши, ейилиши.

Назорат саволлари.

1. Тишларни қирқилганда қайси ҳолларда гилдирак тишлари тубида қирқилиш пайдо бўлади.
2. Тугри тишли цилиндрсимон узатмада қандай кучлар таъсир қилади .
3. Тишларни синишига нима сабаб бўлади .
4. Тишларни емирилиши қайси ҳолларда руй беради .

Адабиетлар.

1. Тожибоев Р.Н. Жураев А.Н. Машина деталлари. Тошкент. «Укитувчи». 2002 йил.
2. Сулаймонов И. Машина деталлари, «Укитувчи», 1981 йил.
3. Решетов Д.Н. Детали машин. Москва. «Машиностроение» 1988 йил.
4. Иосилевич Г.Б. Детали машин. Москва. «Машиностроение» 1988 йил.

8- МАЪРУЗА.

Кия тишли цилиндрсимон узатмалар, ишлатилиши. Геометрик улчамлари.

Гилдирак тишларини кирқилиши. Шеврон тишли узатмалар.


РЕЖА:

1. Кия тишли цилиндрсимон узатмани ишлаши.
2. Кия тишли цилиндрсимон гилдиракни геометрик улчамлари.
3. Шеврон тишли узатмалар

Кия тишли цилиндрсимон узатма. Узатмадаги айлана тезлиги $U > 6$ м/с ортиқроқ булганда кия тишли узатмадан фойдаланиш тавсия этилади . Кия тишли гилдиракнинг тиши вални уки билан маълум бурчак ҳосил қилган ҳолда жойлашган бўлади.

Тугри тишли узатмага кура , кия тишли узатмаларда тишлар ишлашига аста секин киришади . Шунинг учун кия тишли узатмаларда шовкин ва динамик кучлар озроқ бўлади .

Киялик бурчаги канчалик катта бўлса узатма шунчалик равон ишлайди. Лекин уқ бўйлаб



йуқолган куч ҳам ошади .

Илашишдаги жуфт гилдиракларда киялик бурчак тенг бўлади биттаси чап, иккинчиси унғ кия гилдирак .

Кия тишли цилиндрсимон гилдиракларнинг тишларини киркишда тугри тишли



гилдиракни киркиладиган асбоб билан киркилади.

1. Кучириш усули.
2. Обкатка усули.

Бунинг учун кесувчи асбобни еки заготовкани тишнинг талаб қилинган киялик бурчаги қандай бўлса, шундай бурчакка буриб қуйилади.

Тишларнинг тик кесим бўйича олинган тишнинг шакли , улар орасидаги кадам (яъни модуль) тугри тишли гилдиракларникига мос келади.

Кия тишли узатманинғ афзалликлари.


1. Катта тезликда ишлайди.
2. Ишлаши енгил ва равон.
3. Каттарок қувватни узата олади.
4. Шовкин ва динамик кучлар камаяди.

Камчиликлар

1. Уқ бўйлаб йуналган куч гилдиракни силжитмокчи бўлади.

Кия тишли цилиндрсимон гилдиракни геометрик улчамлари.

Кия тишли гилдиракларда тишлар орасидаги масофани (кадамни) ҳар хил кесим бўйича улчаш мумкин. Кадамнинг қайси кесим бўйича улчанганлигига қараб, кия тишли гилдиракнинг геометрик улчамларини аниқлаш икки хил модуль билан ифодаланади.



Тишга тик кесим буйича улчанган нормал кадам $-P_n$ гилдирак укига тик кесим буйича улчанган ён кадам $-P_t$. Уларнинг узаро муносабати киялик бурчаги β га боғлиқ бўлиб қуйдагича ифодаланади.

$$P_{t\kappa} = \frac{P_n}{P_t}; \quad m_{\kappa} = \frac{P_n}{\cos \beta}; \quad m_{t\kappa} = \frac{P}{\pi}; \quad \beta_{\kappa} 8^0 - 25^0; \quad \cos \beta_{\kappa} = \frac{m_n}{\cos \beta}$$

Узатманинг геометрик улчамларини аниқлашда асосан нормал модулдан фойдаланилади.

Булиш айлана диаметри.

$$d_{\kappa} = \frac{m_n \cdot z}{\cos \beta}$$

тиш каллагининг баландлиги $h_a = m_n$



тиш оёгининг баландлиги $h_f \approx 1,25 m_n$

тишлар учидан утган айлана диаметри $d_a \approx d + 2h_a \approx d + 2m_n$

тишлар тубидан утган айлана диаметри $d_f \approx d - 2h_f \approx d - 2,5m_n$

$$\text{марказлараро масофа.} \quad a_{\kappa} = \frac{d_1 + d_2}{2}$$

Шервон тишли узатмалар. Агар иккита тишли цилиндрсимон гилдиракни бир бирига махкамланса, шервон гилдирак ҳосил бўлади.



Тишларни киялиги қарама қарши йуналиши сабабли ўқ бўйлаб йуналишдаги кучлар бир бирини йукатади.

Бу ҳолатда киялик бурчак $\beta_{\kappa} 25^0 - 40^0$ қабул қилса бўлади

Шеврон тишли узатмалар асосан тезлиги баланд катта қувватни узатиш учун мулжалланган узатмаларда ишлатилади.

Бу узатмаларнинг асосий камчилиги тайерлаш мураккаб ва қиммат туради.

Шеврон тишли узатманинг геометрик улчамларини ҳисоблаш кия тишли цилиндрсимон узатмаларни ҳисоблашга ўхшаш бўлади.

Таянч суз ва иборалар.

Киялик бурчак, кия тишли гилдирак, катта тезлик, катта қувват, нормал кадам, ён кадам, шеврон тишли гилдирак

Назорат саволлари..

- 1.Кайси ҳолларда кия тишли узатмалар қўлланилади?
- 2.Кия тишли узатмалар қандай афзалликларга эга?
- 3.Тишларни қандай усулда қиркилади?
- 4.Шеврон тишли узатма қайси ҳолларда қўлланилади?

Адабиётлар

1. Тожибоев Р.Н. Жураев А.Н. Машинна деталлари. Тошкент. «Укитувчи». 2002
2. Сулаймонов И. Машина деталлари, «Укитувчи», 1981 йил.
3. Решетов Д.Н. Детали машин. Москва. «Машиностроение» 1988 йил.
4. Рогов П.А - Машина деталлари «Укитувчи» 1 т 1963 й 2т. 1967 йил.

9- МАЪРУЗА.


Тишларни ён коплаш коэффиценти. Узатмаларни ҳисоблаш. Цилиндрсимон узатмани эгувчи кучланиш бўйича ҳисоблаш. Цилиндрсимон узатмани контакт кучланиш бўйича ҳисоблаш.

Режа:

1. Тишларни ён коплаш коэффиценти.
2. Цилиндрсимон узатмаларни эгувчи кучланиш бўйича ҳисоблаш.
3. Узатмаларни контакт кучланиш бўйича ҳисоблаш.

Ён копланиш коэффиценти илашишда бир вақтда нечта жуфт тиш булишини курсатади. Илашишда бир вақтда канча куп тишлар булса, хар бир тишга тушадиган юкланиш шунча камаяди.

Буни илашиш майдонида куриш мумкин, тугри тишли узатма учун Узунлиги q_α ва кенглиги b .



Биринчи жуфт тишларни контакт чизиги илашиш майдони бошида жойлашган. Иккинчи жуфт тишларники – уртада

Илашиш давомида илашиш давомида 1,2 контакт чизиклар стрелка бўйлаб йуналади.

Иккинчи жуфт тиш илашиш майдонини охирига яъни 2¹ нуктага келганда, биринчи жуфт тиш 1' нуктага келади.

1¹ - 2 участкада илашишда бир жуфт тиш булади ва кейинги дакикада янги жуфт тиш илашишга киради.


Илашишда бир жуфт тиш булса бутун юкланишни (F_n) узатади, агар илашишда икки жуфт тиш булса, бунда юкланиш икки тишга таксимланади. Ён коплаш коэффиценти ϵ_α билан белгиланади.

$$\epsilon_\alpha = \frac{q_\alpha}{P}; \quad \epsilon_\alpha \text{ 1,2 - 1,8}$$

Кия тишли узатмаларда тишлар уртасидаги контакт узунлиги бўйича бирданига булмай вақт мобайнида аста секин булади.

Шунинг учун кия тишли узатмаларда ён коплаш коэффиценти катта булади, натижада узатмалар шовкинсиз ва равон ишлайди, динамик кучлар камаяди.

Кия ва шеврон тишли узатмаларда ён коплаш коэффицентини доимо иккитадан катта булади. Буни кия тишли узатма учун илашиш майдонида куриш мумкин



Илашишда учта жуфт тишлар булмокда 1,2,3. Учтинчи жуфт тиш 3 холатга келганда (яъни илашишдан чиканда) илашишда доим иккита тишлар қолади. Кия тишли узатмаларда илашишда доим иккита еки учта жуфт тиш булади.

$$E_a = 2.88 \cdot 3.2 \left(\frac{1}{z_1} + \frac{1}{z_2} \right)$$

$$E_a > 2$$

Цилиндрсимон тишли узатмаларнинг эгувчи кучланиш буйича хиоблаш.

Очик цилиндрсимон узатмаларнинг ишлаш шароитида уларга чанг ва хаводаги майда заррачалар утириши мумкин. Булар тишларнинг сиртини ейилишига олиб келади. Агар мойлаш яхши булмаса ейилиш кучаяди.

Ейилган узатмада тиркишлар катталашади, шовкин ва динамик юкланишлар купаяди, тишнинг калинлиги камаяди. Натижада тиш синиши мумкин.

- Очик цилиндр симон узатмани эгувчи кучланиш буйича хисоблашда уни
-
- модулини аникланади.

$$m = \sqrt[3]{\frac{2 * T_1 * K_{fb} * K_{fv} * Y_f}{Z_1^2 * \Psi_{bd} * [G_F]}}$$

T- етакловчи гилдирак валини буровчи моменти.

K_{fb} - .юкланишни тиш узунаси буйлаб таксимланишини хисобга олувчи коэффицент

K_{fv} – динамик юкланишни хисобга олувчи коэффицент

Y_f - тиш шакли коэффиценти,

Z_1 - етакловчи гилдирак тишлар сони

Ψ_{bd} - гилдирак кенглигини диаметрга нисбатини ифодалсвчи коэффиценти.

$[G_F]$ – рухсат этилган эгилишдаги кучланиш.

Топилган модулни стандарт катордан яхлитланади ва узатмани геометрик улчамлари аникланади.

Аникланган улчамларини эгувчи кучланиш буйича текширилади:

$$G_{FK} = \frac{F_t * K_{fb} * K_{fv} * Y_f}{b_2 * m} \leq [G_F]$$

Таъсир килувчи кучланиш рухсат этилгандан кичик булса хисоб тугри. Узатма белгиланган муддат ичида ишлайди.

Агар текшириш натижаси коникарсиз чикса модулни қиймати стандарт катордан навбатдаги каттарок сон олинади. Агар бу ҳолатда ҳам текшириш талабга жавоб бермаса етакловчи гилдирак тишлар сони каттарок олинади.

Тугри тишли очик цилиндрсимон узатмани хисоблашдаги тартиб. *Берилганлар:*

1. Цилиндрсимон узатма валларини жойланиши схемадан аникланади.
2. етакловчи ва етакланувчи гилдирак учун материал таклаш асосан очик узатмалар чуяндан тайёрланади.

Факат муҳим огир юкланган узатмаларда пулатдан тайёрланилади.

1. Эгилишда рухсат этилган кучланишни аниклаш танланган материал учун жадвалдан уларнинг механик характеристикаси танлаб олинади.
2. материалнинг маркаси.
3. заготовкани диаметри.

4. Термик ишлашнинг тури.

$$G_f \lim_b ; G_f \lim_b - \text{гилдирак материалыни эгилишдаги чидамлилик}$$

чегараси.

$G_f \lim_b = 1,8 \cdot HB$ - болгаланган ва штампланган пулатдан тайерланган гилдираклар учун.

$[p_f]$ - хавфсизлик коэффициенти, термик ишлашга ва материалнинг турига қараб танланади.


4. тишларнинг сони аникланади. $Z_1 \leq 17 - 25$; $Z_2 \leq Z_1 * U$;

5. $K_{F\beta}$ - юкланишни тиш узинаси бўйлаб таксимлаш коэффициентини аниклашда гилдиракни валнинг таянчларига нисбатан жойланишига қараб қабул қилинади.

Узгарувчан юкланишда гилдиракларни валга урнатилишга қараб 3 турдан танлаб олинади.


Симметрик жойлашганда

$K_{F\beta} \approx 1$



Симметрик эмас жойлашган $K_{F\beta} \approx 1,1 - 1,2$;

Консол жойлашганда



$K_{F\beta} \approx 1,3 - 1,4$;

6. K_{Fv} - динамик юкланишни ҳисобга олувчи коэффициентни аниклашда айлана тезлиги ва аниклик даражаси эътиборга олинади.

Аниклик даражаси	Тиш сирти каттиклиги	K_{Fv} қиймати тезликка қараб м/с		
7	≤ 350	3 гача	3 - 8	8 дан юқори
	> 350	1.15	1.35	1.45
		1.1	1.25	1.35
8	≤ 350	1.25	1.45	--
	> 350	1.2	1.35	--

7. Y_f - тиш шаклини коэффициентини аниклашда унинг қиймати ҳисобланаётган гилдирак тишларининг сони силжитиш коэффициентини микдорига боғлиқ равишда махсус

жадваллардан танлаб олинади.

8. ψ_{bd} – гилдирак энини диаметрига нисбатини ифодаловчи коэффициентни қиймати Тиш сиртини каттиклигига ва таянчларга нисбатан жойлашувига қараб олинади.

$\psi_{bd} = \frac{b}{d}$; b - гилдирак эни (гилд. тиши узун.)
 d - етакловчи гилдиракни булиш айлана диаметри.

1 Гилдирак таянчларга нисбатан жойлашуви.	Тиш сиртининг каттиклиги	
	HB<350	HB > 350
Симметрик булганда	0.8 - 1.4	0.4- 0.9
Носимметрик булганда Консоль	0.6 - 1.2	0.3 - 0.6
булганда	0.3 - 0.4	0.2 - 0.25

$b_2 \geq \psi_{bd} * d$; $b_1 \geq b_2 + 5 \text{ мм.}$

Формула асосида модул қиймати топилади ва шу қийматни ГОСТ да белгиланган қийматларига солиштириб , уларнинг энг яқин келган каттаси танланади. Модули кичик, тишлари сони эса катта булган гилдираклар узатманинг равон ишлашини таъминлайди , лекин модул кичрайган сари тишнинг геометрик улчами кичрайиб , тишларнинг синиш эҳтимоли кучаяди

Модул катта булганда тишнинг улчамлари катта булиб , юкланишга каршилиқ курсатиши катта булади , тез ейилиб кетмайди , лекин динамик кучланишлар ортади .

Модулни қабул қилгандан кейин етакловчи ва етакланувчи гилдиракларнинг геометрик улчамларини аникланади.

Модулни тугри танланишини текшириш учун тишнинг мустахкамлигини эгувчи кучланиш буйича текширилади.

$$G_{F\kappa} = \frac{F_t * K_{\beta} * K_{\alpha} * Y_f}{b_2 * m} \leq [G_F]$$

Агар текшириш натижаси коникарсиз чикса m ва z нинг қийматлари узгартирилади .(катталаштирилади).

Цилиндрсимон тишли узатмаларинг контакт кучланиш буйича ҳисоблаш.

Ёпик узатмаларда гилдирак тишлари сиртининг уваланишига асосий сабаб контакт кучланишдир . Шунинг учун ёпик тишли узатмаларни лойихалашда контакт кучланиш буйича ҳисоблаиади .

Икки тишли гилдирак орасидаги контакт кучланиш қийматини аниклашни немис физик олими ишлаб чиккан. Энг катта кучланиш Hertz формуласи оркали қуйдагича аникланди.

$$G_{HK} = \sqrt{\frac{E_{np} * q}{2\pi * (1-\mu^2) * \rho_{np}}}$$

бу ерда $E_{np} = \frac{2 * E_1 * E_2}{E_1 + E_2}$ - келтирилган эластик модули .

$$E_1 + E_2$$

E_1 - эластик модули етакловчи гилдиракни материали учун .

E_2 - эластик модули етакланувчи гилдирак материали учун .

q - узунлик бирлигига тугри келувчи нормал юкланиш.

μ - Пуассон коэффиценти.

ρ - тишнинг келтирилган эгрилик радиуси .

Hertz теориясига асосланиб узатма тишларини контакт кучланиш буйича хисоблаш уни марказлараро масофасини аниклашдан иборатдир ,куйдаги формула оркали:

$$a \approx K_a (1+\mu) \sqrt{\frac{T_2 * K_{H\beta}}{[G_H]^2 * U^2 \psi_{ba}}}$$

• тугри тишли цилиндрсимон узатма учун $K_a=49,5$;

кия тишли цилиндрсимон узатма учун $K_a=43$;

$K_{H\beta}$ - юкланишни тиш узунлиги буйлаб нотекис таксимланишини эътиборга олувчи коэффициент.

Танлашда тиш каттиклиги ва гилдирак таянчларига жойлашишига қараб олинади.

